

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий
аппарати ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг
қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш соатлари
тўғрисида маълумот**

Тадбирда маърузачи томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549-сон Қонуни ҳақида тушунтиришлар бериб борилди. Қонунда умумий қоидалар, туризм соҳасини тартибга солиш, туристик индустрия, туристик зоналар ва туристик кластерлар, туризм соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш шартлари, туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, туроператорлар ва турагентларнинг, туристлар ва экскурсантларнинг, гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, туризм соҳаси субъектларининг бирлашмалари, хавфсиз туризмни таъминлаш каби масалаларга бағишланган.

Қонун 10 боб, 45 моддадан иборат бўлиб, туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шу билан бирга, Қонунда баъзи бир тушунчаларга тариф бериб ўтилган. Жумладан, гид (гид-таржимон), мустақил туризм, туризм соҳасининг субъектлари, тур, туризм, турист, туристик ваучер, туристик йўналиш, туристик хизматлар, экскурсант, экскурсия етакчиси кабилар.

Шунингдек, йиғилган иштирокчилар томонидан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маърузачи саволлар беришди ҳамда белгиланган муддатда ва қизиқарли ўтказилди.